

МИЛЛИЙ ҒУРУР ТҮЙГУСИНИ ИФОДАЛОВЧИ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Бахтиёр Холмирзаев

НамДУ тадқиқотчиси

Аннотатсия

Ушбу мақолада ўқувчи-ёшларининг миллий ғурурини мустаҳкамлаш, уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш мақсадида, фазилат, савоб, саломлашиш ва миллий характер каби тушунчаларга тўхталиб ўтамиз.

Калит сўзлар: стратегия, ифтихор, миллий ғурур, қадрият, фазилат, савоб, саломлашиш, миллий характер, шифокор, фермер, тижоратчи, менежерлар, миллат, халқ, пировард.

Миллий ғурур туйғуси ҳар бир ёш авлодни Ватан равнақи, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилишга ундейди. Бу эса соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларини янада кучайтириш, унинг қамровини кенг олиб бориш ҳамда самарадорлигини ошириш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори² мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ушбу илмий ишимиз ҳам муайян даражада хизмат қиласи.

“Миллий ғурур (ифтихор), – шахс ёки ижтимоий гурухнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий-маънавий мерос, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча”[3].

Миллий ғурур - бу миллий ифтихордир. Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Миллий ғурур ва миллий ифтихор бир кучли руҳий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлиқ, тил,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон

маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакилларининг қалбидан чуқур ўрин олади”[4].

Ўқувчи-ёшларнинг миллий ғуруририни шахс сифатида намоён бўлишида куйидагилар аниқланди:

- Миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ бўлмаслик;
- Халқи, миллатининг тақдири учун жонкуяр бўлиш;

Ўз миллатининг моддий-маънавий меросини асраб-авайлаш;

- Халқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш тўғрисида қайғуриш;
- Халқи, миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш.

Ўқувчи-ёшларда миллий ғурур туйғусини шакллантиришнинг асосий тушунчалари куйидагиларда ифодаланди:

- ❖ Фазилат;
- ❖ Савоб;
- ❖ Саломлашиш;
- ❖ Миллий характер;

Фазилат нима?

Ҳар бир фазилатни шакллантиришнинг асосий шартларидан бири – дастлаб ана шу фазилат, сифат ҳақида ўқитувчиларда, кейин ўқувчиларда тушунча, билимнинг мавжудлигига боғлиқ. Акс ҳолда бу фазилат шахс хулқ-атворида намоён бўлмайди, намоён бўлса-да, англанмагани туфайли ўткинчи характерга эга бўлиб қолади. Иккинчидан, фазилат, сифат ҳақида тушунча, билимнинг тарбияланубчи онгидаги даражасини қайд қилиш лозим. Чунки, биз кўрсатаётган тарбиявий таъсир, милтшӣ таълим мазмuni ўқувчилар томонидан қандай ва қай даражада қабул қилинаётгани, бу ишда нималар такомиллаштирилиши ва нималар тузатилиши кераклиги аниқланади. Дарҳақиқат, шахснинг ҳар бир сифати, шу сифатнинг таркибий қисмлари бўлмиш интеллектуал, эмостионал-иродавий ва амалий фаолиятнинг шаклланганига ва улар орасидаги уйғунликка боғлиқ. Шу туфайли миллий тарбияланганликнинг ҳар бир фазилати қандай рибожланганини аниқлашда дастлаб ўқувчининг ўз ёшига мос равишда мазкур фазилат ҳақидаги тасавурлари, тушунчалари, билимлари ўрганилади.

Савоб

Ота-она: “Ота-боболаримиз ҳам бир вақтлар худди сизлардек ёш болалар бўлган. Ўша пайтларда ўзбек шаҳар-қишлоқларида бир одат бўлган: айрим уй, ҳовлиларнинг кўча эшиги олдида бўш кўза, челякни кўриш мумкин эди. Бу нимани англатган? Бу – “ушбу хонадонда қариялар (ёки беморлар) яшайди. Сувимиз тугади. Сувни келтиришга

кувватимиз етмаяпти” деган маънони англатган. Бу ердан ўтиб кетаётган ўсмирлар (хозирги боболаримиз) қанчалик шошилишмасинлар, қанчалик ўйинни себмасинлар, “бечора кампир (ёки чол), бемор киши сувсиз қолишибди”, деб қўза, челакни олиб, қудук ёки ҳовуздан сувга тўлдириб, ўша муҳтож киши яшайдиган эшик тагига келтириб қўйиб, эшикнинг ҳалқасини бир-икки қоқиб кетишар эканлар. Ота-боболаримиз бу ишни “савоб, хайрли иш” деб билганлар.

Боболаримиз одамларга ёрдам беришга доимо тайёр бўлган, ариқлардан, йўллардан ахлатларни, тошларни четга олиб ташлаганлар, катталарга, аёлларга қўлидан келгунча ёрдам беришга ҳаракат қилганлар”.

“Боболар одати” суҳбатида ўртага ташланган саволлар:

- Нима учун айрим ҳовлилар эшигига бўш кўза, чељак турган?
- Ўша пайтлар ёш бола бўлган боболаримиз нима учун бўш кўза, чељакни кўриб, ўтиб кетавермаганлар? Ахир касал кишилар сувни ким келтирганини билмаганлар-ку?!
- Сиз боболарингизга ўхшаб савоб иш, яхшилик қилган кишиларни кўрганмисиз? Ўзингиз-чи? Мисол келтиринглар-чи?!
- Имконияти бўла туриб савоб иш қилмаганларни-чи? Мисоллар борми?
- Бу масалага муносабатимиз қандай? Биз қандай болалар, кишилар бўлмоғимиз керак? Нима учун?

Саломлашиш

Миллий одоб туркумига саломлашиш маданиятини шакллантириш ҳам маҳсус вазифа сифатида киритилган эди. Дастрраб, ўқувчиларга саломлашишнинг маъноси, мақсади, хикмати ва унинг маданий кўринишлари ҳақида билимлар берилди. Кейин саломлашиш одоби, хатти-ҳаракатлари кўрсатилди. Билимларни мустаҳкамлаш, ҳаёт билан боғлаш мақсадида ўқувчиларга турли вазиятларда: биринчи бўлиб салом бериш, қучоқ очиб кўришиш, қўл бериб кўришишнинг имкони бўлмаганда, йиғин ўтаётган хонага кирганда, телефонда, оиласда, маросимларда, транспортда, йўлда, пиёда кетаётган пайтлардаги саломлашиш қоидалари, меъёрлари, табассум қилиш уқтирилди, кўрсатилди ва машқ қилинди.

Дастрраб, ўқувчилар буни ўзларига хос шўхлик билан енгил қабул қилдилар. Бироқ, кейинчалик уларнинг муносабатлари ўзгариб, жиддийлаша борди. Чунки ушбу кўникма – саломлашиш одоби уларга сингдирилаётган миллий тарбиябий таъсир тизимининг таркибий қисми эди. Иссиқ, самимий ва табассум билан саломлашиш улар илгари ўйлаганидек оддий, эътиборсиз нарса эмас, валки кишига гўзал ва самимий муносабатни ва бу орқали бошқа кишиларда ўзига салом берувчига гўзал ва самимий муносабатни ҳосил қилиши, бу эса ўқувчилар учун, яъни бўлажак шифокор, фермер, тижоратчи, менежерлар учун қанчалик муҳимлигини тушунтириш уларда қизиқиши, маънавий ва моддий манфаатдорлик ҳисларини қўзгатди. Бу чоралар омухталашив,

пировард натижада ўкувчиларда миллий одоб туркумини тарбиялашнинг муваффақиятини таъминлади.

Миллий характер (Япон қизлари мисолида)

Япон миллий характери – мақсадга интилувчанлик, дунёни шоирона идрок этиш, миллийликка хурмат-еътиқодга айланган. Япон миллати, тарихи ва маданияти ҳар бир япониялик учун, ҳар бир япон қизи учун мўътабар саналади. Қизларнинг маҳсус байрами бўлиб, у “Хина матсури” дейиларкан. Бу байрам ҳар йили 2 майда нишонланар экан. 15 ноябряда эса, 3, 5, 7 ёшга кирган қизлар байрам қилишар экан. “Хина матсури”да қизлар бир-бириникига меҳмонга боришади. Шу куни маҳсус шеър, қўшиқларни куйлаб, маҳсус таомлар билан сийланадилар. Қиз бола 7 ёшга етганида ота-онаси уларга япон аёли киядиган миллий, қадимий ва замонавий либос – кимоно ҳадя қилинади. Шу кундан бошлаб қизлар ўз оналаридан япон аёллари билиши, қила олиши керак бўлган урф-одатларни ўрганишга киришади.

Қизларжон, биласизми? Бизнинг ўзбек халқимизда ҳам шундай байрам бор. Айтинг-чи, ким билади? Билмайсизми? Бу байрам – мучал тўйи деб аталади. Илгари 12 ёшга тўлаёттан барча ўғил-қизлар олдиндан маҳсус тикиб, тайёрлаб қўйилган оқ либосни кийишган. Бу ранг мустақил республикамизнинг байроғида ҳам акс этган. Чунки, оқ ранг тозалик ва покликнинг рамзиdir. Наврӯз сайлида мучал ёшига тўлган ўғил ва қиз болалар бир-бирлариникига кириб дўст, дугоналарини кутлашган, сўнgra белгиланган жойга тўпланишган. Одатда, “Оқ либосли ёшлар” Наврӯз ўтказаётган жойга ташриф буюришганда барча уларни қутлаб, яхши ниятлар билдиришган. Ҳали мучал ёшига тўлмаган болалар уларга баҳор чечакларини ҳадя қилишган. Хонадонларда ота-оналар мучали тўлган болаларга атаб зиёфатлар беришган. Тарозининг бир палласига мучали нишонланаётган бола, иккинчи палласига новвот, каллақанд солинган. Каллақанд оғирлиги мучали нишонланаётган ўғил ва қиз бола оғирлигини босгач, уни тушириб, дастурхон тўрига ўтқазишган. Каллақандни кулча устига қўйиб, ҳаммасини меҳмонларга улашганлар.

Ҳар бир қиз 12 ёшга етгач, ўсмир дейилади. Ўсмилик эса болалик эмас, қиз боланинг орасталиги, юриш-туриши, муомалада эътиборли, ота-онасига сирдош, ёрдамчи бўлиши кераклигини англатади. Қаранг-а! Жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан бири – Японияда миллий урф-одатларини шунчалик эъзозлар экан-у, биз шўролар даврида ўзимизнинг ўзбекона, гўзал анъаналаримизни қарийб унутаёзимиз. Сизларга насиҳатим, оиласизда 12-13, 24-25, 36-37, 48-49, 60-61 ёшлар орасидаги кишиларнинг туғилган кунлари нишонланганида уларни “мучал тўйларингиз муборак”, дея чиройли, ёқимли қилиб табриклаб, эслатиб қўйишни унутманг. Қачон биз ўз қадриятларимизни, маданиятимизни қадрласак, тинмай Ватанимиз учун ўқиб, ишласак, яқин йилларда

миллатимизни – Ўзбекистонимизни бутун жаҳон тилларида достонга айлантира оламиз, турмушимиз фаровон, ўзимиз баҳтиёр бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда миллий ғурур туйғусини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолиятни ташкил этишда самарали бўлган асосий тушунчалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бундай тушунчалар сирасида миллатнинг шонли тарихи, миллий тил имкониятлари, халқ қаҳрамонларининг жасорати, миллий қадриятлар (урф-одат, маросим ва анъаналар), халқ оғзаки ижоди, адабиёт, илм-фан, санъат, халқ ҳунармандчилиги, миллий меъморчилик, рассомлик, миллий мусиқа ва қўшиқчилик, рақс санъати ҳамда санъатнинг бошқа турлари (кино, театр, цирк, миллий дорбозлик) муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчи-ёшларни ҳар бир соҳада эришилаётган ютуқлари, уларда ватангга муҳаббат уйғотиш, шунингдек, давлат рамзларига нисбатан чексиз хурматни қарор топтириш ҳам бу жараён самарадорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон фармон // lex.uz.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4884-сон қарори // lex.uz.
3. Иброҳимов А., Султонов X., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 397 б.
4. Асқарова Ў. Миллий ғурур.-Т.: Ўқитувчи, 2002- 234 б.